

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 33 (66262)

2000 йил 17 август, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Олим КҮЧҚОРБЕКОВ

ЎЗБЕКИСТОН

Шурли истиқлолнинг олтин бешигин,
Тебратган она юрт, қувончинг чексиз.
Ўглинг одимларкан, очиқ эшигинг -
Йўллари равондир: Ер, Ҳаво, Денгиз...


Бу йил тўққиз ёшга тўлади ўғлон,
Ҳалитдан довруги давон ошмоқда.
Алпомиш келбатли ўсапти соғлом,
Билакда куч-қувват қайнаб-тошмоқда.

Шаҳарлар қуряпти, очяпти конлар,
Техника ривожда - келган омади.
Боғ, дала-ҳосил мўл, юксак ҳирмонлар,
Тўкинлик нишони - иш даромади.

Ҳа, энди мустаҳкам ташларкан қадам,
Ўзбекжонни танир бутун ер юзи.
Темур бобом руҳи қўллайди ҳар дам,
Қўл келар Улугбек бобо юлдузи.

Алишер Навоий тиларкан оқ йўл,
Боряпти дадил у келажак сари.
Андан умид катта, яшнар ўнгу сўл,
Албатта, ушалгай эл орзулари.

Илм-фан кучи-ла қуриш нияти
Буюк мамлакатни - обод, мустақил.
Ҳеч зое кетмайди зарбдор меҳнати,
Режалар ўзгача, мўлжали яқин!



Оналар ёзади

СОҒЛИК ВА ИҚТИДОР КЕРАК

Фарзандларим мактаб ўқувчилари бўлгани учун мен ҳам «Тонг юлдузи» газетасининг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб бораман. Ундаги билимдан, зукко болалар ҳақида ўқиб ҳавас қиламан.

Ўтган йили ёлғиз қизим 1-синфга чиқиши керак эди. Аммо шифокорлар фарзандимни носоғлом эканини аниқладилар. Ва Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 52- меҳнат таълими мактабига беришимни тавсия этишди. «Қизингизни хоҳлаган мактабингизга бериб қийнаб қўйманг», деб қўшиб қўйишди.

Мен мажбур бўлиб 52- мактабга бердим ва бундан жуда уялдим. Чунки кўпчилик бу мактабда фақат ақли заиф болалар ўқишади, дейишарди. Қизимни ўйлаган сари азият чекардим. Чунки уч нафар ўғлим 155-мактабнинг «Банк синфи»да аъло баҳоларга ўқишарди.

Орадан бир йил ўтди. Бекорга ҳафа бўлиб юрганамни тушундим. Бу мактабда ақли заиф болалар деярли йўқ экан. Фақат ногирон, ўзлаштиришга қийналаётган ўқувчилар бор экан. Мактабда шундай кучли устозлар жам бўлган эканки, ҳар бир бола билан алоҳида шугулланишар экан. Мактаб директори Раъно Ҳамроалиева болажонларимиз учун барча шароитларни яратиб берган эканлар. Деярли ҳар куни тадбирлар, учрашувлар...

Ўқиш эса бадан тарбиядан бошланади. Компьютер, инглиз тили хоналари ҳаммиша болажонлар билан гавжум. Қизлар тикувчилик билан, ўғил болалар дурадгорлик, ўймакорлик билан шугулланадилар.

Болалар доим қувноқ кайфиятда, ўз вақтида ўқиб, ўйнаб, меҳнат қиладилар.

Қизим бир йилда шунчалик ўзгардики, буни ҳатто қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар ҳам таъкидлашди.

Қизимнинг тиллари бийрон бўлишига, мустақил фикрлашига шу мактаб жамоасининг машаққатли меҳнати сабаб деб биламан. Айрим ота-оналар ўз фарзандининг айбини билсалар-да, яшириб, соғлом болалар билан бир синфда ўқишларини хоҳлайдилар. Натижада бола ўзлаштиришга қийналади. Тенгдошлари орасида боши эгилиб қолганини сезмай қолишади.

Айтмоқчиманки, навбатдаги ўқув йили бошланаётган бир паллада ўз фарзандимизнинг аввало соғлигига, сўнгра иқтидорига қараб мактабга берайлик.

Рафиқа ЮНУСОВА,
Тошкент шаҳри

УМИДЛАР САРИ ЯҒОНА ЙЎЛ

Навбатдаги янги ўқув йили эшик қоқиб турибди. Билимга чанқоқ, фикрлари уйғоқ болажонларни жонажон мактаблари кутмоқда. Ҳўш, вилоят мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик қандай кетаяпти? Ушбу савол юзасидан масъул кишилар билан телефон орқали боғландик:

Ёрқин ЭРҒАШЕВ- Бухоро вилояти, халқ таълими бошқармасининг бошлиқ ўринбосари:

- Вилоятимизда 527 та мактаб бор. Ҳозирда барча туманлардаги умумтаълим мактабларида таъмирлаш ишлари тугатилиб, 1- сентябрь -билимлар кунига шай қилиб қўйилган. Шу кунларда Қоракўл туманидаги 422 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси фойдаланишга топширилади. 13 та мактаб, 9 та болалар боғчаси капитал ремонтдан чиқарилди. Барча имкониятлардан етарли фойдаланганимиз учун 488 та мактаб, 67 та махсус мактаб, 25 та мактаб-интернати тўлиқ таъмирланди. Аънаёна айланган Президент совғаси 1-синфлар учун тахт қилиб қўйилди. Вилоятимизда бу йил 30 минг 146 нафар болажонлар 1-синфга борадилар. Улар учун 12 турдаги ўқув қуроллари, мактаб дарсликлари бепул тарқатилади.

Қобилжон ШАМСИДДИНОВ- Наманган вилояти, халқ таълими бўлими бошлиғи:

- Вилоятимизда 667 та мактаб бўлиб, таъмирлаш ишлари ҳар йилгидан кўра бу йил анча эрта бошланди. Бунинг бош сабаби вилоят ҳокимлиги бу масалага бефарқ қарамади. Вилоят ҳокимининг 15 майдан 15 июнгача халқ таълими муассасаларига ёрдам бериш учун берган Фармонлари катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада, ҳомий ташкилотлар, ота-оналар кўмиталари ёрдами билан ишларимиз тезлашди.

Янгиқўрган туманидаги Нанай қишлоғида 400 ўринли

янги 51- мактаб биноси қуриб битказилди. Наманган шаҳри, Нуробод мавзесида 64-мактабда спорт зали ва 90 ўринли кўшимча бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Чортоқ туманидаги Пешқўрган жамоа хўжалиғида 125 ўринли, Учқўрган туманидаги Ҳамза жамоа хўжалиғидаги мактабда 120 ўринли кўшимча синф хоналари қурилди. Бу йил вилоят бўйича умумтаълим мактабларидаги ўн олти мингдан зиёд синф хоналари тўлиқ таъмирланди.

Янги ўқув арафасида яна бир қувончли хушxabар эшитдик: Яқинда ўтказилган «Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон!» кўшиқлар танловидан тушган маблағ вилоятимизнинг Чуст, Поп, Чортоқ, Мингбулоқ, Косонсой ва Учқўрган туманларидаги айрим мактаблар учун ҳам тақсимланиб, бу пулларга спорт анжомлари сотиб олинди.

Файзулла СУЛТОНОВ- Андижон вилояти, Халқ таълими бошқарма бошлиғининг ўринбосари:

- Вилоятимизда 738 та умумтаълим мактаблари мавжуд. Янги ўқув йилида Андижон туманидаги 420 ўринли 40-мактаб қуриб битказилди. 671 та мактаб жорий таъмирланди. Спортни оммалаштириш ва қишлоқ жойларида ривожлантириш учун ажратилган маблағ вилоятимизнинг Жалолқудук, Булоқбоши, Балиқчи, Олтинқўл, Пахтабод туманларидаги мактабларга топширилди.

Бундан ташқари, «Ривож-тянжин» фирмаси Шаҳрихонда 420 ўринли 1-мактабни қуриб, фойдаланишга топширди. Таъмирлаш ишларини кузатганимизда Булоқбоши, Қўргонтепа, Марҳамат туманларидаги мактаблар ҳар томонлама қониқарли деб баҳоланди.

Ушбу маълумотлардан қувондик. Маориф кўп жихатдан шарт-шароит ва муҳитга боғлиқ. Демакки, янги ўқув йилида янги мактаблар, янги жихозлар ўқувчиларни бағрига чорлаяпти. Ўқинг, изланинг, дунё кезинг. Чунки мактаб сизни умидлар сари олиб борувчи ягона йўлдир.
Маъмура МАЦРАҲИМОВА
ёзиб олди.

МАСЛАХАТ БЕРИНГ, ҚИЗЛАР

Мен бу йил 8-синфни тамомлаб, 9-синфга ўтдим. Ёшим 15 да. Менинг ёшимдогиларнинг аксарияти 10-синфни тамомлаб, 11-синфга ўтишди. «Бу қиз синфда қолгандир-да» деб ўйлаётгандирсиз? Асло... Макташни эмасу 1-синфдан буён аъло баҳоларга ўқиб келяпман. Гап шундаки, мени мактабга етти ярим ёшдан беришган ва бизнинг давримизга келиб 4-синфни ўқиш мажбурий бўлганди, холос. Шунинг учун ҳам икки йил вақтдан ютқаздим.

Энди буёғини эшитинг. Мен ҳам тенгдошларим каби мактабни тамомлаб, олий ўқув юртиларига ўқишга киришни орзулайман. Бунинг учун 11-синфни тамомлашим, ё бўлмаса 3 йиллик коллежларга кириб ўқишим керак. Шунда мен 18-19 ёшларда бўламан. Бу ёғи ўзбекчилик, турмуш қурадиган вақтим ҳам бўлиб қолади...

Қизларжон, менга маслаҳат беринг, олий ўқув юртиларида ўқишга ҳаракат қилайми ёки 9-синфни битириб, қизларга хос бўлган бичиш-тикиш, қандалатчилик ёки бўлмаса ҳам ширалик касбини ўрганиб қўя қолайми?

Машхура ҚАҲҲОРОВА,
Тошкент туманидаги
2-мактаб ўқувчиси.

ЁШИ МУХБИРЛАР
жадвар кимлагилар

МАКТАБ ФОРМАСИ КЕРАКМИ?

Бу савол бизларни ҳам анчадан буён ўйлантириб келяпти. Менимча, мактаб формаси керак. Чунки у ўқувчилар учун ҳам оддий, ҳам қулай уст-бошдир.

Яқинда Андижондан холам келдилар. Уларнинг айтишларича, талайгина мактабларда тadbиркор аёл Одина Отахонованинг ташаббуси билан мактаб ўқувчилари учун мавсумий мактаб формалари тикилаётган эмиш. Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 296-мактаб ўқувчилари ҳам янги ўқув йилида ўзларининг мактаб формаларига эга бўлишар экан. Ҳозирда кўплаб ихтисослашган мактаблар, академик лицей ва коллежларда махсус форма жорий қилинган. Бизнинг мактабимиз ўқувчилари мактабга хоҳлаган кийимларида келавердилар. Бу эса кўпинча турли жанжалларга сабабчи бўляпти. Қандай жанжал, дея хайрон бўлаётгандирсиз. Айтайлик, бир қиз чиройли, қимматбаҳо кўйлак кийиб келди. Уни кўриб, дугонасининг ҳам худди шундай кўйлак кийгиси келиб қолди. Ота-онасининг эса бундай қимматбаҳо кўйлак олиб беришга қурби етмайди. Қарабсизки, жанжал-да. Дугонасининг кўнгли ўқсийди... Бизнинг мактабимизда ҳам ягона мактаб формаси жорий қилинганида, мен жон деб кийган бўлардим. Бетакрор болагимизни оддийликда, камтарликда, аҳилликда кўргим келади.

Мохира БОЙМИРЗАЕВА,
Тошкентдаги 248-мактабнинг
4-синф ўқувчиси.

ОРОМГОҲГА БОРОЛМАДИК

Ҳозирги кунда республика-миздаги барча мактаб ўқувчилари ёзги таътилни сўлим оромгоҳларда ўтказишяпти. Ёки бўлмаса, саёҳатларга чиқишяпти. Аммо бизга униси ҳам, буниси ҳам насиб этмади. Ҳеч бўлмаса бир икки кунлик саёҳат ҳам уюштирилмади. Бизлар ҳам барча ўқувчилар қатори оромгоҳларга, юртимизнинг кўркам жойларига боришни жуда-жуда хоҳлаймиз.

Кўплаб эшитамиз, мактаблардаги ҳомий ташкилотлар ҳақида. Лекин нима учун бизнинг мактабни бирон бир корхона оталиққа олмаган. Ана шундай ташкилотлар бўлганда эди, балки бизлар ҳам оромгоҳларга борармидик.

Зокиржон АЛИҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманидаги
М. Ҳасанова номли мактаб-нинг 8-синф ўқувчиси.

Дилдорахон Тоғаева - ўқитувчи-психолог. 27 йилдирки мактабгача тарбия муассасаларида тарбиячи, мудирлик вазифаларида ишлаб келган. Айни кунларда Қўқон шаҳридаги 17-Меҳрибонлик уйига раҳбарлик қилиб келяпти.

-Меҳрибонлик уйимизда 112 нафар ўғил-қиз бор. 74 нафари «уй»имиз қошидаги 1-4 синфларда таҳсил олишади.

-Кейин-чи, улар қаерда ўқишни давом эттиришади?

-Дилимнинг ярасига туз сепгандек бўлдингиз. Ўтган йилларда энг иқтидорли ўқувчилар



римизни Фарғона шаҳар спорт мактаб-интернатида олиб борсак, «етимлиги, хомийси йўқлиги сабабли фарзандларимизни қабул қилишмади. Ўтган йили ҳам анча ҳаракат қилдик, фойдаси бўлмади. 4 нафар ўқувчимизни Тошкентдаги ҳарбий мусиқа билим лицейига бердик. Қолганларини шаҳримиздаги 12-Меҳрибонлик уйига жўнатамиз. Кези келганда «Меҳрибонлик уйи»-мизга ғамхўрлик қилиб келаётган саҳоватпеша инсонлар - республика «Табобат»ассеттациясининг аъзоси Муроджон Ҳожи Тошмат ўғли, Қўқон дон бозори, «Мастона» ҳиссадорлик жамияти, «Темирйўл» акционерлик жамияти вакилларига ўз номидан, қолаверса, фарзандларимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдирмоқчиман.

ЎҚИНИЧ

Бундан бир неча ой муқаддам Дилдора опа шаҳар «Улугбек» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Акмал Содиқовга учрашиб, шаҳардаги ташландиқ ҳолатга келиб қолган «Ширинтой» оромгоҳини меҳрибонлик уйига беришларини илтимос қилганди. Аммо раис «Сиз оромгоҳнинг ўрнини аҳолига уй-жой учун сотасиз» - дея директорнинг кўнглини ўқситганди. «Раҳбар»нинг сўзларидан қаттиқ ранжиган Дилдора опа шаҳар ҳокимиятига бориб, ўз илтимосини айтади. А.Хўжаев ва Р.Болтабоевлар бу масалани чуқур ўрганиб 4,5 гектар майдонни эгаллаб ётган «Ширинтой» болалар оромгоҳини 17-Меҳрибонлик уйи ихтиёрига топширадилар.

- Оромгоҳнинг аҳволи ачинарли даражада эди, - дея ҳикоя қилади Дилдора опа. - «Уй»имизнинг тарбиячи, ўқитувчи, оддий ишчиларидан тортиб қоровулигача оромгоҳни тартибга келтириш тардудидамиз. Ҳаммаёқ аҳлат уюми билан қопланган, юзлаб мевали ва манзарали дарахтлар аёвсиз қирқилган. 2 гектар чамасидаги уй, ошхона ва бошқа хоналарнинг дераза ромлари, ойналари, электр симлари ўғирлаб кетилган. Бу оромгоҳ шу пайтгача шаҳардаги собиқ ЧПК - ҳозирги «Улугбек» ҳиссадорлик жамиятининг ихтиёрида эди.


«Ширинтой»нинг шу аҳволга тушиб қолишига ким жавобгар? Бундай лаёқатсизликка ким масъул?

БОҒБОННИНГ ҲАСРАТЛАРИ

Раҳматжон Паттаев - «Ширинтой» болалар оромгоҳининг боғбони, қоровули:
- 1978 йилдан буён шу оромгоҳда ҳам боғбонлик, ҳам қоровуллик вазифасини бажариб келаман. Сўнгги йигирма йил давомида оромгоҳ шаҳар ЧПК ихтиёрида эди. Мана уч-тўрт йилдирки, «Ширинтой» ишламаяпти. Оромгоҳ худудида 24 туп ўрик, 10 туп ёнғоқ, 50 та чинор, 10 та тол, 20 та қайрағоч дарахтлари бўлиб, уларнинг ўртача ёши 50-60 ларда эди. Кесилган ўриklarнинг ҳар биридан 200 қадок чамаси мева қилинар эди. Меваларни «Улугбек» ҳиссадорлик жамиятининг раҳбарлари И.Алиев, О.Горбановлар олиб кетишар эди. Маошимни тўрт йилдан буён ололмайман, нафақа пули билан бир амаллаб рўзгор қиламан. Кесилган мевасиз дарахтларнинг ёғочларини ҳам улар олиб кетишган. Мана энди «Ширинтой» ўзининг ҳақиқий эгаларини топди, деб ўйлайман.

«ШИРИНТОЙ»НИНГ ЧЕҲРАСИ
17-Меҳрибонлик уйи болаларининг шу пайтгача ўз оромгоҳи йўқ эди. Мана энди 4,5 гектарли «Ширинтой» оромгоҳи болалар ихтиёрида. Муборак Хайитова, Шоҳида Рўзматова, Дилором Эр-кабоева, Мастура Ақромов, Абдулла Рўзमतов, Шариф Каримов, Мансур ва Файратжон Абдуллаев сингари меҳрибон ўқитувчи, тарбиячию дурадгорлар «Ширинтой»нинг чеҳрасига оро беришмоқда. Яхшиямки бу йил - «Соғлом авлод йили» экан. Акс ҳолда меҳрибонлик уйининг меҳрибон опалари «раис»ларнинг ёпиқ эшиклари ортидан яна қуруқ қайтишармиди? Нима бўлганда ҳам, болалар қувончининг чеки йўқ. Қувонмай бўладими ахир, «Соғлом авлод йили»да «Ширинтой»дек совға олишди.

Мухтор БЕК.



КЎЗГА КЎРИНМАС «КАСАЛЛИК»...

бу - БЕФАРҚЛИК!

Сўлим ёз ичи яйраб - таътил гаштини суришга нима етсин! Лекин ҳар қанча чопогон бўлсак ҳам Вақт биздан югурироқ; ёз «зув» этиб ўтади-кетади. Уни кўнгилли ўтказишни ўйлаган ҳар бир бола энг аввало ўз саломатлигини янада мустаҳкамлаш-жисмонан чиниқиб, тетик ва бардам бўлишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Афсуски, баъзи бир болалар тоифаси бор-ки, ўзлари ҳам сезмаган ҳолда юқумли касалликларга чалинадилар. Натижада эса... шифохоналарда доволанишга мажбур бўлишади. Бутун ёз давомида дам олиш масканларида бўлиб, мақола ёзган чоғимда томоғи оғриб ёки қўл-оёғи шикастланиб ўйига қайтган болаларни учратишга тўғри келди. Улар кўпчиликти ташкил этмайди. Лекин оз бўлса ҳам, барибир, кўнгилсиз ҳолат! Уша пайтларда дам олишнинг «белига тепган» бифарқлик эгаларига -

кулоқсизларга ачинганман.

Улардаги бифарқлик нималардан иборат? Бу саволга жавобни «ерга урса, осмонга сапчийдиган» шаввозларнинг хатти-ҳаракатларидан излаш керак.

Касалликнинг келиши осон, кетиши қийин: елиб-югуриб, ҳаллослаб келишади-да, муздек артизиан сувидан ютоқиб ичишади. Қарабсизки, касалликка «йўлланма» тайёр-да!

Ёки бўлмаса, илкисдан ноҳўя ҳаракат қилиб, таъқиланган жойларда ўйнаб, мувозанатни ушлолмай қолишади - йиқилиб, тан жароҳати олишади.

Албатта, дам олиш масканида «ҳай-ҳай»лаб пўписа қилиб турувчи ота-оналари йўқ. Лекин улар ўрнини бо-сувчи тарбиячилари, етакчилари бор. 25-30 нафар боланинг юриш-туришидаги назорат шулар зиммасида. Шум-такалар эса ҳар қандай хушёр назоратчининг кўзини шамғалат қилиб ўз номаъкулчиликларини амалга ошириша-

ди. «Ўрганган Саломатлик - бадавлатлик» кўнгил, ўртанса Саломатлик - бадавлатлик» кўймак», деб шунга айтсалар керак-да!

Белгиланган тартиб-интизомга бифарқлик эса...

ЎРИНГА «МИХЛАНГАН» БОЛАЛАР -

нинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу каби ноҳўш ҳолатларга қараб: «Нега шундай бўлди?» деб савол берамиз. Унга жавоб бериш эса осон эмас. Беморлар мўлтираб қарайдилар, чунки айб ўзларида-да! Ҳа, ис-сикқина юмшоқ ўринда, ўз ўйингда, ўртоқларинг ораси-да дам олиш бошқа-ю ноҳўя ҳаракат қилиб, уззу кун шифохонада шифтга тикилиб ётиш бошқа-да! Айниқса, дала-дашда ўйнаб-қулиб юрган қишлоқ болаларига осон тутиб бўлмайди. Сиқилиб кетишади!.. Эмин-эркин юрган болалар-да.

Мен яқинда шундай ҳолатлар гувоҳи бўлганлигим учун уларнинг шифохонага келиб тушишлари сабабларини ўрганиш мақсадида Фаргона вилоятининг Учкўприк туманидаги болалар марказий шифохонаси доволанув-чилари билан суҳбатлашдим. Мана улар:

БЕБАҲО БОЙЛИКНИ АСРАНГ

Нилуфар СОТВОЛДИЕВА. Аввалда ҳам бифарқлик туфайли нафас йўллари ни шамоллатган. Бу - Нилуфарнинг иккинчи «меҳмон» бўлиши. Лекин бу сафаргиси оғир кечяпти - аввалги шамоллаш асорати энди юракка таъсир қилган. Нилуфар жиддий муолажага муҳтож. Кардиограмма шуни тасдиқлаб турибди. Бу эса Нилуфар томонидан қилинган бифарқликнинг энг ёмон кўриниши! Афсусланиб бош чайқаб қўяман.

Мухаммадҷон ОМОНОВ. Ҳали сувда сузишни ҳам билмайдиган бола «ўрдак»ликини ҳавас қилибди. Натижада катта ариқнинг оқими уни оқизиб кетган. Болакай сувга чўкишнинг оғир ҳолатини бошдан кечирмоқда. Ташхис: иккинчи даражали зотилҷам; қон айланиши меъёрида эмас, бола ҳаддан ташқари қувватсиз. Саломатлиги ўнгангунга қадар, эҳ-ҳе, ҳали қанчадан-қанча муолажа зарур. Сузишни билмасанг, чуқур сойга тушиб нима қиласан, деб бўлмайди унга. Дарди ўзига етарли... Ота-онаси ишда банд бўлган, акаси ўт ўргани кетган пайтда уни сувдан қўшниси ушлаб олган.

Бу бифарқликда катталарнинг ҳам иштироки бор. Шундай десак тўғрироқ бўлар? Ҳа, албатта. Биз ўзимиздан кичикларга кўз-қулоқ бўлишни унутмаслигимиз лозим!

Абдулатиф АБДУМУТАЛОВ. Ўткир юқумли касаллик - ОРЗ билан оғриган. Унинг йўталганига ота-оналари бифарқ бўлишган: «Шунчаки ёнидан шабада ўтган-да» дейишган-қўйишган. Оқибатда Абдулатифнинг иситмаси кўтарилиб, «шайтон»лаб қолган. Ўз билгиларича «даволаб» шу даражага етказишган. Демак, шифокор белгиламаган дори-дармонни

истеъмол қилиш яхшиликка олиб келмас экан. Буни унутмаслик зарур!

Энг охиригани танишимиз «ҳамма ердан юрса, осмонда учадиган»лар хилдан. Уша кунни ҳам янги қурилаётган ҳовли пойдевори устида қувлаш-мачоқ ўйнаган. Қувлаётганга чап берман, деб ерга гурсиллаб йиқилган. «Гурсиллаб» иборасидан кейин пойдевор баландлигини кўз олдингизга келтириб олаверинг! А - анча баланд! Энди эса шифохонада инқиллаб ётибди, дадаси ёнида гирдиқапалак. Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатувчи бўлим мудири Қосимҷон ака Ўсаров: «Ҳозирча қаери лат егани номаълум. Кечагина олиб келишди», деб қўйди.

- Газетангизда опасининг шеърлари кичувди. Энди эса укасининг «учар»лиги ҳақида бошлаб ёзаркансиз-да, - дейди отаси хижолат бўлиб.

Ёзмай иложимиз йўқ. Маъруфҷон шу тумандаги Охунбобоев жамоа хўжалигининг Ганжи қишлоғидан. 9-мактаб ўқувчиси. Ҳамма нарсага ақли-хуши етадиган ёшда. Шу ёшда «Бошим айланиб йиқилиб тушдим» дейиш уят эмасми? Ахир у шу ёлгонни айтишга улгуролмай қолиши ҳам мумкин эди-ку?

«Эх, Маъруф, Маъруф! Ҳа, «учар экансан, ўзинг билан парашют олиб юрмайсанми?» дегимиз келди-ю...

ШИФОХОНА ИМКОНИАТЛАРИ

Юқоридаги танишувлардан шундай хулоса келиб чиқади: касалликларни ўзимиз «чақириб» олар эканмиз. Демак, бифарқликка барҳам бериш керак! Бу - ота-оналаримизнинг орзу-ҳавасларини рўёбга чиқаришимиз учун ҳам ниҳоятда зарур!

- Дўхтирларга раҳмат, - дейди Ёд-



горой исмли қизалоқ. - Бу ерга келганимда аҳволим анча оғир эди. Ўпкамни шамоллатган эканман.

Ёз пайтида шамоллаш оғир кечади. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Йилнинг ҳамма фаслида ҳам!

Ҳа, шифокорлар туну кун беморлар қошида парвона. Улар саломатлигимизни тиклаш борасида жон куйдирадилар.

- Соғлом авлод йилида болаларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун анчагина ишларни амалга оширяяпмиз, - дейди туман болалар марказий шифохонаси бош шифокори, туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Усмонҷон ака Олимҷонов. - Туманимиз ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Азимҷон Муҳидинов «Пахтабанк», «Халқ банки», «Тадбиркор банк» ҳамда хусусий корхоналар тадбиркорларини шу савобли ишга жалб қилганлар. Ўтган қиш фаслида болалар бўлими иссиқлик тармоғи билан таъминланди. Йил охиригача УЗИ - ультратовушли текширув ускунаси тўлиқ ўрнатилиб ишга туширилади. Унинг ёрдамида ички хасталиклар осон ва тез аниқланади. Ҳозирда болалар бўлимининг иккинчи қавати таъмирланмоқда.

- Илкониётлар кенгаймоқда экан, - дейман. - Бу яхши. Лекин мени йилнинг биринчи ярмида шифохонангизга ўз бифарқлиги оқибатида касалланиб келган болалар сони қизиқтиради.

- Ўтган олти ой давомида 14 ёшгача бўлган бемор болаларнинг 150 нафари шифохона рўйхатидан ўтди.

- Демак, ҳар бир ойга 20-25 нафар бола тўғри келар экан-да? Кўп эмасми?

- Албатта, кўп. Болалар ўзларини авайлашмас экан, катталар қийналишаверади. Бизларга ҳам иш кўпаяверади. Қани энди, шифохонамиз бўм-бўш бўлса-ю болажонларимиз кўча-кўйларда, дала-дашларда соғлом

ўйнаб-қулиб юришса!

ҲАМ СОҒЛИҚҚА, ҲАМ ЧЎНТАККА ЗИЁН

келтирувчи касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини энди тушуниб олганга ўхшаймиз. Саломатлик қадрини уни йўқотганда биласан, дейишди кексалар. Шифокорлар эса: «Касалликни доволашдан кўра унинг олдини олиш осон», дея тақрорлашдан чарчамайдилар. Тўғри қилишади! Кексалар ва шифокорлар сўзини қулоққа олмаган болалар шифохоналарга «меҳмон» бўлаверади. Энди ўйлаб кўрайлик, кимга зарару, кимга зиён? Соғлиққа зарарлиги дори-дармон билан барҳам топади. Лекин бу жараёнга анча-мунча давлат маблағи, оила жамғармаси сарф бўлади. Шуни ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ҳамхўрликни ҳам қадрлай билиш керак! Ўз саломатлигингизни ўйламасангиз, бошқаларни ўйланг!

- ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ ЭСКИ ТАШВИШЛАРИ

Бошланишига ҳам оз кунлар қолди. Ҳадемай, билим масканлари яна ўқувчилар ва талабалар билан гавжум бўлади, - дейман Усмонҷон акага.

- Гапингиз тўғри. - дейди бош шифокор. - Куз сахий фасл бўлгани билан ўзгарувчан ҳисобланади. Эрта-лаб қуёш ялт этиб кўрингани билан, пешинга яқин шамол кўзгалиб, ҳаво бирдан айниб қолиши холлари кузатилади. Шунинг учун иссиқ кийимни олиб юриш керак бўлади. Лекин, шунда ҳам, кун исиб кетганда терлаб туриб совуқ сув ичмаслик лозим.

- Сувни яхши эсладингиз. Мактабларда, лицей ва коллежларда қайнатилган сувдан фойдаланиш талаб даражасига қўйилган.

- Экологик мувозанатнинг бузилганлиги шу чорани қўллашга мажбур қилмоқда. Болалар бу талабга бўйсунилари лозим.

- Болалар яна нималарни ёдда тутишлари лозим?

- Бадантарбияни қанда қилишмасин. Ўз вақтида овқатланишсин. Тунги видеоканаллар ҳам болани толиқтиради. Белгиланган кўрсатувни кўриб бўлишгандан сўнг дам олишга қатъий риоя қилишлари лозим.

... Ҳа, кексалар ҳам, шифокорлар ҳам саломатлигимиз ҳақида куюниб айтишаётган экан, биз уларнинг насиҳатлари ва маслаҳатларига тўла амал қилиб, БЕФАРҚЛИК деган «кўринмас касаллик»дан ўзимизни асрашимиз лозим.

Собир ЖАББОР

СОЧИМИЗ ВА КИПРИГИМИЗ СОНИ НЕЧТА?

Америкалик машҳур тадқиқотчи врач Гарри Вилсоннинг яқинда Би-Би-Си телекомпаниясига берган интервьюсида одамларнинг сочига ва кипригига боғлиқ бўлган куйидаги нарса аниқ бўлди. Унинг таъкидлашича, сочи қора одамларда сочининг миқдори 100 000 тагача, сочи жигаранг (брюнет) инсонларда соч миқдори 110 000 тагача, сочи сариқ (блондин) одамларда эса сочининг миқдори 90 000 тагача бўлар экан. Барча одамларда соч кунига 0,5-0,7 мм. узунликда ўсади ва кунига 50-120 дона толагача тўкилади. Инсонларнинг кўзига ва юзига чирой бағишлаб турадиган киприкларимизнинг сони куйидагича:

Кўзнинг юқори қисмидаги киприклар миқдори 150-200 дона, кўзнинг пастки қисмидаги киприклар миқдори эса 50-100 донани ташкил этади. Кўз юқорисидagi киприкларнинг узунлиги 8-12 мм, кўзнинг пастки қисмидаги киприкларнинг узунлиги эса 6-8 мм. гача бўлади. Ҳар бир дона киприк кўзда 150 кун сақланиб туради, сўнгра тўкилиб кетади.

ШОХРУХ



Men tahririyatimizga kelgan Lola Esonova va Bahodir Esonovlardan Jizzax hayoti, aynan ular yashayotgan G'allaorol hayoti haqida suxbatlashar ekanman, bolalarning ko'zlarida milt-milt yosh ko'rindi. Ajablanib ulardan so'radim:

- Nima uchun bunday axvolga tushdingiz?

Bahodir: - Toshkentda qolgimiz kelyapti. Chunki Toshkentda hamma sharoitlar bor. Turli xil to'garaklar ochilgan. Bolalar ta'tilda

bo'sh vaqtlarini bekor o'tkazmaydilar. Poytaxt maktablarida hozirgi zamonaviy kompyuterlar ham bor. Bizning G'allaorol tumanimizda esa sharoitlar yaxshi emas. Ayniqsa, Islom bobomiz biz bolalar sog'lom bo'lib o'sishimiz

- Lolaxon, she'rlaringizni nimalardan ta'sirlanib yozasiz?

- Men she'rlarimni ko'proq kechasi osmondagi yulduzlarga qarab yozaman. Chunki ular menga ilhom beradi.

- Gazetamizning muhlislariga she'rlaringizdan bir-ikkitasini aytib bering.

- Xo'p. Men uyimizdagi chiroyli uloqchamga atab yozgan she'rimni va Zuhro yulduzi haqidagi she'rimni aytib beraman.

TOSHKENTDA QOLGIM KELAVERADI...

uchun katta axamiyat berish kerakligini, bizn O'zbekistonning kelajagi ekanligimizni qayta-qayta aytisalar ham, tumanimiz xabarlariga bunga e'tibor berishmayapti. Bunga esa G'allaorol tumanining Zargar, Boshbuloq Zargar hamda Ko'kgumbaz mahallalarida suvning yo'qligi misol bo'la oladi. Mening dadam do'ltlarimning dadalari bilan Sanzar daryosidan yoki bo'lmasa quduqdan suv olib keladilar. Ayajonim esa bizga suvni qaynatilgan holda ichiradilar.

Lola: - Bizning D. Yo'ldoshev jamoa xo'jaligidagi Maqsud Shayxzoda nomli 58-maktabda o'tgan yili o'qituvchilar yetishmaganligi uchun bir sinfda 37 o'quvchi bo'lib o'qidik. Men 4- sinfni tugatib, 5-sinfga o'tdim. Yangi o'quv yilida bizning sinfni ikkiga bo'lishlarini juda xohlardim.

Bundan tashqari Toshkentdagi go'zal favvoralarini ko'rib, ulardan bittasini tumanimizga olib ketgim keldi. Lekin dadam buning iloji yo'qligini, sabr qilsak bizning tumanda ham favvoralar bo'lishini, tumanimiz hademay Jizzax tumanlari ichidagi eng go'zal tumanlardan biri bo'lishini aytdilar. Dadamning bu gaplari xuddi ertaga bo'ladigandek quvonib ketdik.

- Lola, Bahodir, bo'sh vaqtlaringizni qanday o'tkazasizlar?

Bahodir: - Bizning bo'sh vaqtlarimiz juda kam. Qishloqda o'sganimiz uchun har kuni dalaga chiqib dadamlarga, ayamlarga qarashib yuboramiz. Lekin kitoblar ham o'qib turamiz. Singlim Lola esa...

Lola: - Men bo'sh vaqtlarimda she'rlar yozib turaman. Ayamlarga uy yumushalrida qarashib yuboraman.

ULOQCHAM

Uloqchamo uloqcham,
Sen shoshag'on buloqcham.
Dikir-dikir sakraysan,
Shaloladek toshgaysan.

Onang seni erkalar,
Qandu asaldek yalar.
Sho'x qilig'ing ko'rganda,
Mening ham mehrim oshar.

ZUHRO YULDUZ

Kech bo'ldiyu quyosh botdi,
Oymomojon kulib boqdi.
Yulduzlar chiqdi birma-bir,
Osmon bo'ldi biram dilgiz.

O'z yulduzim topdim undan,
Zuhro yulduz manim ekan.
Har kech undan zavqlanaman,
Yurak to'la shavq olaman.

- Rahmat, men sizlarga har kuningiz quvnoq bo'lishini tilab, tez kunlar ichida tumaningizda yuqoridagi kamchiliklar bartaraf etilishini umid qilib qolaman.

NIGORA suhbatlashdi.



Порсо ХОШИМ



Одам бўлиб келдик, одам бўлайлик

Кўрдимки, дунёга келганим маҳал,
Чархи бузук экан, иплари чигал.
Тузатай дегандим, эгаси деди:
Тузатиб олсанг-чи ўзингни аввал.

Устозим бор эди фариштасимон,
Ўгитлар берарди ба ҳаққи иймон.
Ажаб, одамийлик гали келганда
Иблис қиёфаси бўлди намоён...

Онанг рози этсанг замон сеники,
На замон, замин у осмон сеники.
Агар отангни ҳам рози этолсанг,
Ўн саккиз минг олам - жаҳон сеники.

Одам бўлиб келдик, одам бўлайлик,
Элу юрт дардига малҳам бўлайлик.
Зулмат хоналарни ёритмоқ учун
Машъал бўлолмасак, бир шам бўлайлик.

Дунёга келдим дунё топмадим,
Зиёга талпиниб зиё топмадим.
Соядаги гулдек итоатдаман,
Келишу кетишдан маъно топмадим.

Дунё қоладиган, ўтгучи бизлар,
Қайтиб келмас юртга кетгучи бизлар.
Лаҳзалик ўмрда кашф этиб, очиб,

Жаҳон тарихини битгучи бизлар!

Агар бўлмай десанг жаҳонда гумроҳ,
Қавму қариндошдан хабар ол гоҳ-гоҳ.
Лекин, маю ёрдан хабар олмаслик
Ғуноҳлар ичида энг олий ғуноҳ.

Дунё зийнатига бўлмагин мағрур,
Тириклик чоғингда ёр васлин қидир.
Умр шамолини тўхтатолмайсан,



Лаҳзада ўтади - кетади гир-гир.

Сени биров билса, биров билмайди,
Ҳатто билганлар ҳам парво қилмайди.
Сен ҳам парво қилмай бахт гаштини су
Бахт ҳам бирда кулса, бирда кулмайди.

Мен учун яралган бу борлик - жаҳон,
Мен учун яралган жаннат-ул ризвон.
Бобомга аҳли руҳ сажда қилганда,
Инсонлар сафида турганим аён!

Дунёга сигмадинг дунё талашиб,
Нимага эришдинг бунча савашиб?
Маъно топмоқ бўлсанг ер қаърига бок,
Не-не жаҳондорлар ётар қалашиб.

Кўнглинг қаро бўлса умринг қародир,
Сенга эш бўлганлар мотамсародир.
Бўйла куя тушган бошоқ ҳолига,
Пояю япроқлар қурум ародир!

МАКТАБНИНГ ЮРАГИ - КУТУБХОНАДИР

Илм даргоҳига ҳар куни попка кўтариб бориб келишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Ўқувчилар пухта билим олиш мақсадида, онгини ва маънавиятини ўстириш учун, баркамол шахс бўлиб шаклланишни кўзлаб мактабга ошиқадилар. Мактабнинг юраги эса кутубхонадир. Кутубхонаси бой мактабда ақлли қорақўзлар китоб хазинасидан баҳра оладилар. Яқинда «Давр» инфор- мацион ахборот кўрсатуви орқали пой- тахтимиздаги 110- мактаб кутубхо- насини кўрсатишди. Янги-янги кито- блар келтирилган, қолаверса, компь- ютерлар билан жиҳозланган кутубхона ҳавасингизни келтиради. Интернет тар- моғига уланган компьютер орқали эса бутун дунё кутубхоналаридаги кито- блар билан танишиш мумкин.

Вилоятлардаги мактаб кутубхонала- рини кўриш мақсадида Андижон ви- лояти халқ таълими бошқармасига қарашли Булоқбоши туманидаги 12 -мактабга йўл олдим. 1973 йилдан бери мактабга раҳбарлик қилаётган Сайфутдинова Мария Зариповнани суҳбатга чорладим.

-Мактабимизда 655 нафар ўқувчи таълим олади, - деди директор. - 16 та ўзбек синфи ва 9 та рус синфи- миз бор.

- Биз янги дастур асосида ўқитамиз. Бу- нинг учун янги педагогик технологиялар қўлла- нилляпти. Жумладан, компьютер ва лингафон хо- налари ўқувчилар учун шай. Ўқувчилар рейтинг бўйича баҳоланади. Тажириба майдонлар таш- кил қилганмиз. Бу каби янгиликлар таълим со- ҳасидаги мутахассислардан куч-гайрат талаб қилади.

-Янги ўқув йилига мактабингиз шайми?

-Таъмирлаш ишларини июнь ойининг охи- рида тугаллаб бўлганмиз. Шу ўринда туман халқ таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат- бек Қозоқовни, «Мададкор» акционерлик жа- мияти раҳбари Фанижон Собировни, шунинг- дек, туман техника транспорти бошқармаси бошлиғи Мўминжон Аҳмедовларнинг номлари- ни айтиб ўтмоқчиман. Чунки улар мактаби- миздан ёрдамларини аямайдилар. Дилбандла- римиз улардан хурсанд.

- Мактаб кутубхонаси ҳақида сўрамоқ- чи эдим.

- Кутубхоначимиз Сония Шамсуддинова 15 йилдан бери ишлайди. Унинг ёрдамида жуда кўп ишларни амалга оширганмиз. У айниқса лотин алифбосидаги китобларни келтириш ва улардан ўқувчилар баҳраманд бўлиши учун тин- май изланишда. Бунинг учун ҳар душанба дунё хабарлари куни, ҳар сешанба Президент асар- ларини ўқиш куни, ҳар чоршанба бадиий ада- биёт куни, ҳар жума маънавият кунини ўтказа- ди. Бу билан ўқувчиларда китобга меҳр уйғот- моқда.



- Ўқитувчилар анчагина фаол экан-да?

- Албатта. Жумладан Умида Аҳме- дова, Лена Рамазонова, Моҳидил Йўлдошева, Роза Ялилова, Ёқутой Асадуллаева, Салимжон Асранов, Ҳафиза Юсуповалар мактаб фидоий- ларидир.

Соф ўзбек тилида ўз касби, касбдошлари, меҳнати ва машақ- қати ҳақида сўзлаётган Сайфудди- нова Мария Зариповнага ишлари- да омад тилаб қолар эканман, кўнглимда алланечук хотиржамлик ҳам бор эди. Чунки фарзандлари- миз келажаги шундай фидоий му- аллимлар кўлида.

Муҳаррама ПИРМАТОВА.

БУВИЖОНИМГА ОЧИҚ ХАТ

Тошкентдаги маҳаллалардан бирида яшаймиз. Афсуски, ман- зилимни очик ёза олмайман. Маҳалладаги дўстларим, синф- дошларим ўқиб қолишса, нима дейишади? Гап шундаки, мен оиламиздаги мижозлар ҳақида ёзмақчиман. Мақсадим, дилим- даги гапларни бувижоним ўқиб кўрсалару ўзларига тегишли ху- лоса чиқариб олсалар...

Оиламиз унчалик катта эмас. Бувим, дадам, ойим, мен ва жаж- жи сингилчамдан иборат. Ма- ҳалладагилар ҳавас қиладиган аҳил оила эдик. Нима бўлди-ю ойим билан бувимнинг орала- ридан «қора мушук» ўтиб қол- ди. Жанжал катталашиб, маҳал- ла фаоллари, ойимнинг ота-она- лари ҳам аралашди. Катта- ларнинг насихатига амал қилиб, ойим бувимдан кечирим сўра- дилар. Лекин бувим шаштлари- дан тушиш ўрнига, аксинча жаж- отига миниб, ойимни уйдан хай- даб юбордилар. Ойим йиғлай- йиғлай сингилчамни олиб бувим- ларникига кетиб қолдилар. Мен эса дадам билан қолдим. Чун- ки дадажонимни ҳам яхши кўра- ман-да. Сезиб юрибман, дадам ҳам жуда қийналяптилар. Лекин бувимнинг гаплари қонун, бир сўз деёлмайдилар...

Ҳар куни кечки пайт ўртоқла- римни ойилари уйга қақриб кириб кетишаётганда мен ҳам ойижонимни, айниқса, сингил- чамни соғиниб кетаман. Жан- жалнинг сабабини, айб кимда эканлигини тушунолмайман. Шундай бўлсада, уларнинг ба- рини яхши кўраман. Ҳаммамиз биргаликда, аввалгидек аҳил оила бўлиб яшасак, қандай яхши бўларди...

Дилимдаги гапларимни бувим- га айтсам бетгачопарлик, хур- матсизлик бўлмасин, деган ни- ятда очик хат ёзишга аҳд қил- дим. Фикрим тўғрими, сиз нима дейсиз, болалар?

АЛИШЕР, Тошкент шахри.



«ТЕНГ-ТЕНГИ БИЛАН» ЭМИШ...

Яқинда Нодира исмли бир дугонамизнинг туғилган куни, мучал тўйи бўлди. Оиланинг тўнғичи бўлгани учунми, уйдагилари каттагина зиёфат қилиб беришди. Меҳмонлар ҳам жуда кўп бўлди, амма, хола, амаки, тоға дегандек. Биз - ўртоқлари учун алоҳида хонага дастурхон безатишибди. Таътил кунлари бўлганиданми, айрим қизларимиз келишмади.

-Шаҳноза ва Зумрадлар уйда эди-ку, чиқишмадимиз? - сўрадим Нодирадан.

-Йўқ, уларни ўзим айтмадим, деди Нодира қўлини ситлаб. - Ойижоним, дугоналарингни чертиб-чертиб айтгин. «Тенг-тенги билан» деган мақол-бор, дедилар. Улар бизнинг тенгимиз эмас экан...

Нодиранинг бу гапларини эшитиб, худди биров бошимдан бир челақ муздек сув куйиб юборгандек бўлди. Тўриб чиқиб кетай десам, хурматсизлик бўларди. Нодирадан ҳам, онасидан ҳам хафа бўлиб кетдим. Чунки Шаҳноза ва Зумрадлар менинг энг яқин дугоналарим эди-да.

Дилобар НОСИРОВА, Самарқанд вилояти, Нарпай тумани.

БЕЗАКМИ Ё ТАШВИШ?

Яқинда ойнаи жаҳон орқали бир кўрсатув берилди. Унда бир аёл биз тенги икки қизнинг қулоғидаги тилла зирақларини алдов йўли билан ечиб олиб- ди. Бу ҳам камлик қилгандек, сири очилиб қолишдан кўрқиб, уларни Андижон ден- гизига чўктириб юборибди. Бу воқеадан қаттиқ таъсирланиб кетдим. Ўқув йилининг охириги кунларида бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушиб кетди: Синфимизда Дилфуза исмли бир қиз бор. Ўзи ёш бўлса- да, зебу-зийнатларга жуда ўч. Турли хил ранг-баранг зирақ- лар тақиб келади. Бир куни устозимиз: «Дилфуза қизим, эҳтиёт бўлгин. Ҳали жуда ёш- сан. Қимматбаҳо зирақла- рингни ойинг билан меҳмон- дорчиликка борганинга та- қарсан. Орамизда ёмон одамлар ҳам йўқ эмас. Зира- гингни деб, саломатлигинга зиён етмасин» дея танбеҳ бер- дилар. У бўлса бетгачопарлик билан: «Агар зирагимни бугун қулоғимдан ечиб олишса, да- дажоним эртагаёқ янғисини олиб берадилар. Бор экан, та- қаман. Йўқлар ҳам тақиб кўришсин-чи» деб жавоб қай- тарган, эртаси куни эса бўйни- га ҳам ингичка тилла занжир тақиб келганди...

Азиз тенгдошларим, сиз нима дейсиз, Дилфузанинг бу қилмиши кимга зиёну кимга фойда?

Дилёра МАННОПОВА, Тошкент вилояти, Оккўрган тумани.

Андижонга борганмисиз? Мен яқинда бордим. Бордим у шахарнинг янада гўзаллашганига

г у в о х

сиёсий билимларини намоён қилиш билан бирга мустақиллигимизни ардоқлаш, юртимизни асраш, доимо огоҳ бўлишга даъват қилувчи чиқишлар қиладилар.

Кўрик танловда

КЕЛИНГ, БЕЛЛАШАЙЛИК

бўлдим. Янгича таъмирланган бинолар, кенг кўчалар ва йўл четидоги турфа рангли гуллар баҳри дилингизни очади. Вилоят ҳокимиятининг биноси кўркемлиги билан ўзига мафтун қилади. Оппок мармарли йўлакда ўз аксингизни кўрасиз. Ҳокимнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича муовини Қудратилла ака Убайдуллаев билан суҳбатимиз қизгин ва мазмунли бўлди. Улар андижонлик ўқувчиларнинг ютуқлари, маънавияти ҳақида сўзлаб, ажойиб тадбирга таклиф қилдилар.

«Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи»га келганимизда байрамона кайфият бизни ҳам ўз домига тортди. Бу ерда мактаб ўқувчилари аро вилоят миқёсида ўтказилган мустақиллигимизнинг 9 йиллигига бағишланган «Президент асарлари билимдонлари» кўриктанловига яқун ясалар экан.

- Кўрик танлов тўрт босқичдан таркиб топган бўлиб, илк баҳорда ҳар бир мактабнинг ўзиде, кейин туман миқёсида, сўнгра вилоят бўйича тўрт худудга бўлиниб, ўзаро беллашдилар, - дейди Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Мирзаев Муҳиддин Дадабоевич. - Мана бугун тўртинчи босқични томоша қиламиз. Бу ерда ўқувчиларимиз ўзларининг

олтита гуруҳ иштирок этди. Ҳар бир гуруҳда 12 нафар иштирокчи бор. Биринчи шарт «Биз Президент фарзандларимиз!» шиори остидаги композицион кўриниш бўлиб, унда ҳар бир гуруҳ ўз номи, эмблемаси, яъни белгиси, девоназетаси,

альбоми билан таништиришди. Иккинчи шарт бўйича Президент асарлари бўйича бешта иншо ёзиш керак эди. Ўқувчиларнинг ёзган иншолари мазмуни ва шакли билан жуда таъсирли бўлиб, таҳсинга сазовор. Ҳар бир иншо мукамал мақола мисол. Кейинги шарт ёшлар муаммосига бағишланган сахна кўриниши бўлди. Сўнгра савол-жавоб. Охириги шарт «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» номли композицион кўриниш бўлди. Афсуски, ўқувчиларнинг ҳар бир чиқишларини муфассал баён қилишга анча вақт кетди...

Мана ҳаяжонли дақиқалар. Ғолибларни эълон қилишди. Биринчи ўринни Андижон шаҳридаги 4-мактаб ўқувчилари эгалладилар.

Иккинчи ўрин Андижон туманидаги 3-гимназияга насиб этди.

Учинчи ўринни Қўрғонтепа туманидаги 5-мактаб олди. Яна иккита рағбатлантирувчи мукофотни Шаҳрихон шаҳридаги 8-мактаб ва Қорасувдаги 6-мактаб ўқувчилари кўлга киритдилар. Иштирокчилар вилоят ҳокимлигининг, китобсеварлар жамиятининг махсус совғалари билан тақдирландилар. Ундан ташқари, бир қанча ҳомийларнинг совғаларига сазовор бўлдилар. Тадбирдан бир олам таассурот

олиб, Андижон халқ таълими бошқармасининг етакчи мутахассислари Абдуфаттоҳ Зайнобиддинов, Анвар Мамажонов, Солижон Каримқулларнинг ҳам фикрларини сўрадим. Уларнинг вилоят халқ таълими бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, ҳамда «Камолот», «Оила», «Экосан», «Соғлом авлод», «Маҳалла», «Наврўз», «Нуроний», «Болалар»

жамғармалари билан ҳамкорликда таълим муассасаларида иқтидорли болаларнинг турли кўриктанловларини ташкил этиб ўтказганлари мени ҳам қизиқтириб қўйди.

- Айнан қандай тадбирлар

ўтказдингиз?

Абдуфаттоҳ Зайнобиддинов:

- Хусусан: «Сиз тарихни биласизми?» «Йил тарбиячиси», «Соғломжон-полвонжон», «Жозибатор табассум», «Севимли ўйинчоқлар» тадбирлари режа асосида ўтказилди.


- Мана, мустақиллик байрамига саноқли кунлар қолди. Истиқлол ва ҳуқуққа доир тадбирлар уюштирган-мисизлар?

Солижон Каримқулов:

Мустақиллик



Тинчлик



Ҳамкорлик

- Вилоят халқ таълими бошқармаси вилоятдаги ҳуқуқ тарғиботи органлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, ўқувчи ёшларнинг ҳар томонлама билим олишлари учун назоратни кучайтириш, шунингдек, таълим муассасаларида турли мавзуларда учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Ўқувчилар онгида Ватан туйғусини шакллантириш, давлатимиз рамзларига муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш ишларини кучайтириш мақсадида «Давлатимиз рамзлари билимдонлари», «Сиз қонунни биласизми?» каби кўриктанловларни ўтказиш аънаанага айланган.

- Андижонни «гуллар шаҳри»га айлантириб юборибсизлар-ку!

Анвар Мамажонов:

- Албатта-да. Бунинг учун биз атайлаб кўриктанлов ҳам ўтказдик. Шаҳар, туман, вилоят миқёсида йўллар четларига гуллар эдик...

Ҳа. Гўзал шаҳар Андижондан олам-олам таассуротлар билан қайтдим.


Мухаррама ПИРМАТОВА.

Андижон вилояти Булоқбоши туманида кўпчилик ҳавас қиладиган бир оила яшайди. Оила бошлиғи Қодиржон ака Пўлатов тиш шифокори, рафиқаси Одинахон - ҳамшира. Улар эл-юрт дуосини олиб, одамларга гўзал табассум ҳадя этадилар. Шу билан бирга мунтазам спорт билан шугулланиб, фарзандларига мураббийлик ҳам қиладилар.

Ота изидан бориб, ота касбини муқаддас билан Ботир ва Баходир Пўлатовлар Андижон тиббиёт институтида ўқишади. Шу билан бирга спортнинг кикбоксинг тури билан шугулланишади.

3-5 август кунлари кикбоксинг бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида Ботир ва Баходир Пўлатовлар ҳам қатнашишди. Ўғилларининг маҳорати, кучига ишонган Қодиржон ака мусобақага бирга келиб, улрга далда бериб турдилар.

- Шарқ яққа курашининг турлари кўп, - дейди Қодиржон ака биз билан суҳбатда. - Таэквондо, каратэ, у-шу, айкидо, кикбоксинг... Ҳаммаси бир-биридан гўзал спорт турлари. Уларни бири-биридан ажратиш ҳам, камситиш ҳам мумкин эмас. Уларнинг бири санъат сифатида намоён бўлса, бошқаси жанговарлик ҳиссини кўрсатади. Мен мана шу Шарқ яққа кураши билан шугулланган болаларнинг камтар бўлишларини истардим. Уни қимнидир қақша-



тиш учун эмас, балки халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш учун ўрганишларини истардим. «Белида белбоғи бўлсин йигитнинг» деган нақл бор халқимизда. Йигитнинг белидаги белбоғ унинг бақувватлигини билдиради. Белбоғли йигитлари бор юрт ҳеч қачон бировга муҳтож бўлмайди.

- Ўғилларингиз голиб бўлишини истайсизми? - деб сўрадик Қодиржон акадан.

- Нафақат истайман, балки ишонаман ҳам. Бири бўлмаса, бири албатта чемпион бўлади!

- Ҳаяжон ва офаринларга тўлиқ беллашув кунлари ўтди ва Андижон вило-

яти Булоқбоши клубидан келган Ботиржон Пўлатов 67 килограмм вазнлар бўйича голибликни кўлга киритганида ота ва ўғилларнинг меҳнати бесамар кетмаганига ишондик.

- Ботир ака, зўр спортчи бўлиш учун нима қилиш керак? - деб сўрадик ҳаяжонли дақиқалардан сўнгра. - Спорт мактабларида ўқиш керакми ёки зўрроқ мураббий қидириш лозимми-кан?

- Менимча, бунинг учун спорт мактабида ўқиш шарт эмас, - деб жавоб берди Ботир ака. - Энг аввало одамнинг ўзида ишонч ва қизиқиш бўлиши лозим. Мураббий эса... Менимча, унда ҳам гап кўп бўлса керак. Масалан,

менга дадам мураббийлик қиладилар. Дадам «Спорт билан шугулланган одам соғлом бўлади», деб таъкидлашдан ҳеч чарчамайдилар. Бизга мураббийлик қилишдан ҳам эринмайдилар. Менинг бугун голиб бўлишимда ўзимдан ҳам дадамнинг ҳиссалари кўпроқ. Бу - дадамнинг меҳнатлари учун берилган мукофотдир.

Ҳа, Қодиржон ака юқорида спортчининг камтарлиги ҳақида бежиз сўзирмаган эканлар. Шунчаки гапириш бошқа, лекин шу гапирилган ёшларнинг юрагига сингдириш бошқа. Биз Қодиржон аканинг элга саломатлик улашиш билан бирга ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялашдаги фидойиларча меҳнатларига таҳсин айтишдан бошқа илож тополмадик. Чунки Қодиржон ака нафақат ўғиллари, балки жиянлари ва кўплаб шогирдларига оталик назари билан қараб, сидқидилдан шугуллантирадилар.

Ботиржоннинг кетидан кўплаб чемпионликка даъвогар укалари етишиб келаяпти. Юртимизда спортнинг ривожланиб, Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тўтишида булоқбошилик Пўлатовлар оиласининг ҳиссаси кўшилишини, халқаро мусобақаларда кўллари доим баланд келишига ишониб, Ўзбекистон чемпиони Ботиржон Пўлатов билан хайрлашдик.

Забарҳад БОБОЖОНОВ

Шоир Абдулла Турдиев канака одам эди?

Ўлим ҳар доим бевақт келади, лекин доимо ҳақ бўлади. Ўлимдан ҳеч ким қочиб қутилмайди. Агар ўлимга чап бериш мумкин бўлганда борми, неча-неча азиз зотлар, яратган эгамнинг суюкли бандалари ўткинчи дунёни тарк этмасди. Илло, олдинда чин дунё бор, охират бор. Одам боласи пешонасига битилган умрни яшайди.

Яқинда қайсидир газетада Абдулла акамизнинг дўппи кийиб

дан чиқиб қолади. Шу боис ўзгарувчан сонларни қайд этиб ўтирмаймиз-да, фақат битта эпизодни эслатиб ўтамиз, холос.

Ўша пайтларда журналистика факультетига ўн бешта ёки йигирмата талабгордан биттаси ўқишга кирарди. Боз устига, «зарнинг ё зўрнинг кучи билан» ҳам беш-олтита абитуриент талабалар сафидан жой оларди. Хуллас, ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан, «олтин медаль» олиб битирган битта қизалоқ ҳам дастлабки имтиҳондан «беш» баҳо олиб, ўқишга киради. Албатта, университетда

йўли тушган қаламжашлар отахон шоиримиз Тўра Сулаймонни зиёрат қилмаса, уят бўлади. Биз Тўра Сулаймонни йўқладик, тўйга таклиф қилдик. Тўра ака мазаси йўқлигини, ишлари кўплигини, қолаверса, қандайдир бетайин одамлар билан тўй-томшаларга бориб, обрўни тўқиш ниятида эмаслигини баҳона қилди. Ўзини ҳурмат қиладиган ва иззатталаб киши бўлса, Тўра аканинг аччиқ қочиримларидан сўнг хайр-маъзурини насия қилиб, жуфтакни ростлаб қолиши лозим. Абдулла ака бўлса: «Тўра ака, биз сизни яхши кўрамыз, - деди пинак бузмай. - Сиз ҳаммамизнинг устозимиз бўласиз», - деб таъкидлади.

- Йўғ-е, - деди Тўра Сулаймон ҳамон пичинг оҳангида. - Агар ҳаммаларинг мени шогирдим бўлсаларинг, сизларда юз борми, ор-номус борми?

- Бизнинг юзимиз ҳам, ор-номусимиз



дий инсон эди. Маълумки, жиддий одамлар ҳар қандай гам-ташвишни ичига солади, ичига ютади.

ҚОРАДАРАХТ

шов-шув бўлиб кетади: «Фалончи ўз кучи билан «беш» олибди!»

Одатдагидек, биринчи сентябрь куни ўқиш бошланади. Бир куни Абдулла ака шов-шувларга сабаб бўлган «фавкулудда иқтидор» соҳибасини излаб топади.

- Сен ўз кучинг билан ўқишга кирганмисан? - деб сўрайди дабдурустдан. Ҳали курсдошлари билан ҳам танишиб улгурмаган талаба қиз лоладай қизариб кетади. Биринчидан, саволнинг мазмунни кўпол бўлса, иккинчидан, оҳанг - шакл кўпол эди. Яъни, қорача йигит, қишлоқи йигит шаҳарлик қизни сенсирайди. Қиз йиглаб юборай дейди, Абдулла ака бўлса, пинак бузмасдан ён дафтарчасини ҳозирлаб савол-жавобни бошлайди:


- Шеър ёзасанми?... Шеърларинг қайси газеталарда босилган?... Курсларинг-да сендан бошқа ҳам шеър ёзадиган студент борми?... Анави - қофиясиз шеър ёзиб, ҳамманинг бошини қотирадиган йигит ҳам сенлар билан битта курсда ўқийдими?... Ўша курсдошининг қофиясиз шеърлари тўғрисида нима дейсан?..

«Сен, сен» деявериб, Абдулла ака шаҳарлик студент қизни безор қилади. Чамаси, бир соатлар давом этган суҳбат охирларида дастлаб нафсонияти огриган қиз ўзини сенсирётганини ҳам эсидан чиқариб, кўнглидаги гапларни рўй-рост гапира бошлайди ва бу йигит табиатан тўпорироқ эканлигига ишонч ҳосил қилади. Кейинчалик амин бўладики, қишлоқ йигитлари учун ўзидан кичкина қизларни сенсираш одатий ҳол экан, кичик ёшдаги қизларни сизлаш сунъий муомала ҳисобланар экан.

Кўп ўтмай «Тошкент университети» газетасида ўша қиз ҳақида мақола босилиб чиқади ва бу қиз бир зумда барча университет талабаларига машҳур бўлади.

Абдулла ака ўзбек қишлоғининг фарзанди эди. У ўзбек заминига ҳамнафас эди.

Ўтган йили бир гуруҳ дўстларимиз билан Сирдарёга тўйга бордик. Абдулла ака - бизнинг жўрабошимиз эди. Сирдарёга



ҳам ўзингиз, Тўра ака! - деб жавоб берди Абдулла ака.

Тўра акани бошлаб тўйхонага бордик. Даврани бошқариш Абдулла акамизнинг зиммасига тушди. Абдулла ака микрофоннинг симини судраб даврага чикди, бирикита шеър ўқиди - Тўра Сулаймон шайнига илиқ сўзлар айтди. Қарабсизки, давра бирпасда қизиб кетди: тўй тўйга ўхшай бошлади, одамлар тўлқинланди, кайфиятлар кўтарилиб кетди.

- Бало экан-ку! - деди Тўра ака. - Худди ўзимизнинг бахшиларга ўхшар экан-ку! Абдулла шоир деганларинг ростга ўхшайди-ку!..

Гўё Сирдарёдаги тўйдан сўнг Абдулла ака билан Тўра Сулаймон бир-бирларини қайта кашф этгандай бўлдилар.

Абдулла ака бир куни «Ассалом, Ўзбекистон» кўрсатувида чикди, кўтаринки руҳда шеърлар ўқиди. Кўрганлар ҳам, эшитганлар ҳам Абдулла акани табриклайдилар. Абдулла аканинг ўзи эса... Абдусид акани табриклайди: «Кўрдингизми, зўр чиқиш қилдим! Одамлар шунақа дейишяпти, Абдулла тез-тез чиқиб турсин, деган таклифлар бўляпти... Аммо-лекин, ўзингиз бирор жойга кетадиган бўлсангиз, ўрнингизга ўша - мен билан суҳбаташган йигитни қўйиб кетинг!» дейди.

Абдулла ака жонқуяр инсон эди, жид-

Абдулла аканинг ичи тўла гам эди. У кўпинча қора жомадонини кўтариб юрарди. Бу жомадон ҳам гамга тўла бўларди...

Янглишмасам, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида Абдулла Турдиевнинг шеърини тўплами нашрга тайёрланаётган эди. Афсуски, «умр китоби»ни кўриш муаллифга насиб этмади.

- Хуршидга шеър ёзишни ўзим ўргатганман, дерди Абдулла ака.

Бир куни учқовимиз газета корпусда учрашиб қолдик.

- Хуршид ака, устозингиз Абдулла ака экан-ку лекин ҳеч қачон шу ҳақда гапирганингизни эшитмаганман, - дедим.

- Доим гапираман, керак бўлса, телевизорда ҳам айтганман, фақат сиз эшитмагансиз-да! - деб жавоб беради Хуршид Даврон.

- Тўғри, айтган, ўзим эшитганман, - деганди Абдулла ака мамнун қиёфада.

... Одатда, оёғи ердан узилмаган ўзбек болаларини «Қорада-рахт» дейдилар. Абдулла ака жафокаш халқимизнинг ўғлони эди. У барчага баробар эди, доим бировларнинг дарди билан яшар эди.

Ижодкорлар даврасида ҳам, ҳалол инсонлар орасида ҳам Абдулла аканинг ўз ўрни бор эди. У кишининг ўрнини ҳеч ким ололмайди, ҳеч ким Абдулла аканинг ўрнини босолмайди.

Умид шулким, Абдулла аканинг ўрни йўқолмайди, Абдулла аканинг ўрнини зукко фарзандлари олади. Ахир, от ўрнини той босади, деб бекорга айтмаганлар.

Дардингизга шерик бўлолмадик, Абдулла ака. Биздан рози бўлинг, Абдулла ака! Илойим, охиратингиз обод бўлсин!..

Иньомиддин ИМОМОВ.

тушган суратини кўриб қолдим. У ҳақда кичик мақола ҳам эълон қилинган экан: беихтиёр мақолага кўз югуртирдим - самимий ёзилган экан. «Тўғри ёзилибди, - дедим ичимда, - тўғрисида ёзса ҳам бўлар экан-ку!» дедим. Лекин мақола охирида муаллифнинг имзоси ўрнида «бир гуруҳ дўстлари» деган машъум жумлани учратиб, ҳайрон бўлдим. «Бундай ҳазил қилмаслик керак-ку, ахир ёмон ниятга ҳам фаришта омин дейди», деб ўйладим. Танишимдан сўрадим: «Абдулла акага нима бўлди?» «Ие, хабарингиз йўқми?... Шунақа бўлди, худо раҳмат қилсин!» деб юзига фотиҳа тортди танишим.

- Худо раҳмат қилсин, яхши одам эди!

Ростини айтиш керак, яхши шоирлар кўп, малакали ҳунармандлар ҳам, қосиблар ҳам кўп. Лекин яхши одамлар биз ўйлаганчалик кўп эмас. Ўқиб-ўрганиб, бировларга сидқидилдан хизмат қилиб юриб, лозим пайтларда сукут сақлаб туриб, яхши қаламжаш бўлиб кетиш мумкин. Афсуски, ўқиб-ўрганиб, бировларга шогирд тушиб «яхши одам» бўлиш қийин. Яхши одам бўлиш учун яхши одам бўлиб туғилиш керак. Абдулла ака яхши одам бўлиб туғилган эди, насл-насаби тоза инсон эди.

Тахминан, бундан ўттиз йил муқаддам Самарқанднинг олис бир қишлоғидан келган озгингина, қорамағизгина бир йигит Тошкент Давлат университетининг кўп нусхали газетасида камтаргина ходим бўлиб ишлар эди. Маълумки, ҳозирги замон ўзбек адабиётини тебратиб турган аксарият шоир ва ёзувчиларимиз 70-йилларнинг бошларида ТошДУда таҳсил кўрганлар. Уларни номма-ном санаб кўрсатсак, рўйхат чўзилиб кетади ёки забардаст ижодкорлар беихтиёр эсимиз-



Сабр бер!..

Жамоамизнинг зукко мухбири Маъмура Мадраҳимовага Падари бузруквори Йигитали отанинг вафотидан чуқур қайғуриб, сабрбардош тилаймиз.

Газетамиз ходими Назокат Тиллаевага турмуш ўртоғи Шокир Алимжоновнинг оламдан бевақт кўз юмгани туфайли ўз таъзиямизни билдирамиз.

ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раисининг ўринбосари


Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Ислом динининг илк даврларида-ноқ табиат муҳофазаси, наботот ва ҳайвонот оламини ҳимоя қилишга катта эътибор берилиб, мусулмонларни мана шу хайрли ишга даъват этиб келган. Аллоҳ борлиқни қатъий мезон билан яратган. Бу борада Куръони каримнинг «Раъад» сураси 8-оятда:

«Унинг ҳузурда барча нарсалар ўлчовлидир» - дейилади.

Биз ана шу ўлчовли нарсаларнинг мезонини бузадиган бўлсак, турли зарралар кўришимиз табиий ҳолдир. Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобларида шундай сатрлар бор:

«Экологик хавфсизлик муаммоси



аллақачонлар мяллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади».

Атроф-муҳитни, наботот ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаш ва уни келажак авлодга етказиш барчамизнинг шарафли ва масъулиятли бурчимиз. Наботот олами Аллоҳнинг ер юзидаги инсонлар учун ато этган энг улугъ неъматларидан бири бўлиб, бусиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди.

Аллоҳ- инсонни яратиб, руҳ билан унга ақл-идрок бахш этган. Ақлли, хушёр инсонлар зиммасига атроф-муҳитни тоза ва покиза сақлаш ҳамда табиатни муҳофаза этишдек шарафли ва масъулиятли вазифани юклаган.

Парвардигор инсонларни муътадил ва фаровон ҳаёт кечиртишлари учун лозим бўлган моддий бойликларини яратадики, унинг бу неъматларини ҳеч қачон ҳисобига етолмаймиз. Ислом динининг таълимотларидан бири шуки, у яшаб турган жойларимизни озода бўлиши, ичимлик сувимизни беғубор, ўзимизни

эса покиза юришимизга буюради. Чунки, поклик инсон зеҳнини ва иродасини мустаҳкамлайди. Бу борада Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шундай деганлар:

«Аллоҳ таоло барча нуқсонлардан муназзаҳ ва бенуқсон нарсаларни дўст тутадир. Унинг ўзи пок ва покизаликни хуш кўради. Унинг қарами кенг, саховати чексиз, саховатли бандаларини дўст тутар. Шунинг учун ҳам, эй умматларим, хонадонингиз ва уни атрофларини озода ва саришта тутинглар!»

Ёки:


«Покизалик ва поклик имоннинг ярмисига тенг келади» десалар, яна бошқасида эса: «Назофат-чин имон аломатларидандур», дейдилар.

Асрлар бўйи ота-боболаримиз

ариқ, дарё ва денгиз сувларини покиза сақлашни ўзларининг шарафли бурчлари деб билиб келганлар. Бизлар шундай авлод вакили эканлигимизни унутмайлик. Ҳозирги кунимизда озодлик ва покизаликка риоя қилиш жуда муҳим иш бўлиб қолмоқда.

Куръони карим денгиз, дарё ва ариқ сувларини ифлослантирмасликка буюрилган. Акс ҳолда балиқлар ҳам ноз-неъмат ўрнига заҳарли моддаларга айланиши мумкин.


Маълумки, Ислом дини - ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди. У одамларни доимо ях-



шиликка, эзгу ишларга чорлаб келган. Шу туйғайли ҳам халқимиз асрлар мобайнида юксак маънавияти, бой меъроси ва миллий анъаналарини ўзида мустаҳкам сақлаб келган.

Демак, табиатга оид ҳар бир нарсани, яъни диёримиздаги ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб эканмиз, улар келажак авлодларимизга биздан мерос бўлиб қолишини сира ҳам ёддан чиқармаслигимиз даркор.

Бу борада Республикаимизда ўтказилаётган халқаро илмий-амалий анжуманларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги олимларнинг, бир қанча қимматли фикр ва мулоҳазалари ҳар бир софвиждонли ватанпарвар кишини эътиборини ўзига тортиб, улардан тўғри ва холисона хулосалар чиқаришга чақиради.




БАЛИҚХЎР ДАВЛАТЛАР

Англиянинг «World Economic and Industrial Corp» ташкилотининг 2000 йил август ойи учун берган маълумотига кўра, ҳозирги кунда дунёда энг кўп балиқ истеъмол қилувчи ва балиқчилик саноати энг ривожланган давлатлар қуйидагилардир:

1. Япония.
2. Хитой.
3. МДҲ давлатлари.
4. АҚШ.
5. Чили.
6. Перу.
7. Норвегия.
8. Ҳиндистон.
9. Жанубий Корея.
10. Дания.
11. Бразилия.
12. Индонезия.
13. Сингапур.
14. Малайзия.
15. Филиппин.

Юқоридаги давлатларда энг кўп истеъмол қилинадиган балиқлар - сельд, треска, салака, сазан, осётр балиқларидир. Лекин ушбу давлатлар орасида Япониянинг балиқчилик саноати ва истеъмол даражаси ўзига хос аҳамиятга эга. Япон халқи ҳар куни - нонушта, тушлик ва кечкурунги овқат вақтида балиқ маҳсулотини, ундан тайёрланган турли овқат ва салатларни истеъмол қилади. Шунинг учун ҳам япон халқи дунёдаги энг узок умр кўрадиган халқлардан биридир. Японияда туристлар учун ҳам ҳар доим асосан балиқдан тайёрланган овқатлар, салатлар таклиф қилинади. Умуман, Япониядаги озиқ-ов-



қат маҳсулотларининг 85-90 фоизини балиқ маҳсулотларидан тайёрланган емишлар ташкил этади. Ҳатто, нон таркибига ҳам, витаминларга бой бўлган балиқ мойи кўшилади ва у нонга ўзига хос ширин маза бахш этади. Япониянинг миллий таоми, ҳатто унинг миллий рамзига айланиб қолган «Суши» таоми ҳам юз фоиз айнан балиқдан тайёрланади. Япон халқи шунингдек, денгиз ўтлари ва бошқа денгиз маҳсулотларини ҳам кўп миқдорда истеъмол қилади.

Шохрух КАРИМБЕКОВ

TONG YULDUZI

Ўзбекистон
болалари ва
ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
КЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида
АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат АХМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Ойниса МУСУРМОНОВА,
Ҳотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла КЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нускада босилди. Ҳажми 2
босма табак.
Буюртма - К-8204
Газетани
Абдуҳамид Абдуғаффоров
саҳифалади.
Набатчи:
Феруза ЖАЛИЛОВА

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.

Тел: 144-62-34